

- тахлилий кўникмалар – мавжуд ва мавжуд бўлмаган ахборотларни фарқлаш, уларни тахлил қилиш, излаш ва тақдим этиш;

- амалий кўникмалар – амалий ишлар жараёнида аждоқларимиз томонидан қўлланилган назариялар, методлар ва принциплардан фойдаланиш;

- ижодий кўникмалар – аждоқларимиз томонидан яратилган бадиий ва илмий асарлардан фойдаланган ҳолда ижодий фаолиятни амалга ошириш, импровизация қилиш, педагогик ёндашувларни мустақил баҳолаш;

- коммуникатив ҳамда ижтимоий кўникмалар – мунозаралар ташкил этиш, атрофдагиларни ишонтириш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, кичик ҳажмли, педагогик характердаги ижодий матнлар яратиш;

- ўз-ўзини тахлил қилиш – бошқалар ва ўзининг шахсий фикрини тахлил қилиш.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мақсадида тақдим этилган методлар уларга қуйидаги имкониятларни беради:

- тақдим этилган ўқув материалларини фаол ўзлаштириш;

- шахсий рефлексияни ривожлантириш;

- аждоқларимиз мероси ёрдамида бағрикенгликни ривожлантириш;

- ўқув ҳамкорлигининг янги шакллари ўзлаштириш қабилар.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини берадиган методларни мақсадга мувофиқ тарзда қўллаш ўқув фаолияти мотивлари ва талабанинг эҳтиёжларига сезиларли таъсир кўрсатади. Фаол тарздаги билиш фаолияти бўлажак ўқитувчиларнинг янги имкониятларини намоён этишга қўмаклашади. Уларда касбий компетентликнинг шаклланишига етарлича асос яратади.

Адабиётлар

1. Коджаспирова Г.М. История образования и педагогической мысли: Таблицы, схемы, опорные конспекты. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: «ВЛАДОС» Пресс. 2003. –С. 224.

2. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар – соғлом авлодни тарбиялаш воситаси. -Т.: 1995.

3. Салаева М.С. Ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан.докт.(DSc) диссертацияси. -Нукус: 2019. 288- б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада мутафаккир аждоқларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар бўлажак ўқитувчиларда касбий майлларни ҳосил қилиб, уларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини бериши, ўқув-билиш ҳаракатлари эса бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги сифат ва самарадорликни таъминлашга қўмаклашиши ёритиб берилди.

РЕЗЮМЕ

В этой статье педагогические учения, созданные предками наших мыслителей, дадут будущим учителям возможность развивать свои профессиональные навыки и развивать свою учебно-познавательную деятельность, а учебное движение сможет обеспечить эффективную и профессиональную подготовку будущих учителей.

SUMMARY

In this article, the pedagogical teachings created by our thinker-ancestors will give future teachers the opportunity to develop their professional skills and develop their educational and cognitive activities, and the learning movement can provide effective and professional training for future teachers.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СПОРТ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТУРИЗМИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

В.Ш.Рахимов – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: туристик-спорт маҳсулот, опереттинг, туристик-спорт, спорт туризми, рекреацион мажмуа, туроператор.

Ключевые слова: туристико-спортивный продукт, опереттинг, туристико-спортивный, спортивный туризм, оздоровительный комплекс, туроператор.

Key words: tourist-sports product, operetting, tourist-sports, sports tourism, recreational complex, tour operator.

Ҳозирги вақтда туризмнинг оммавий ривожланиши даврларида бу иш билан туроператорлар деб аталувчи фирмалар ва мутахассислар шуғуллана бошлади. Туроператор дифференциаллашган туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаради, бунда у бу маҳсулотларни мижозларнинг эҳтиёжлари, талаблари, истаклари ва қизиқишлари билан мос ҳолда турли хил хизматлардан жамлаб ҳосил қилади.

Қўллаб туристик фирмаларнинг мавжуд иш тажрибасига қарамай, спортчиларни тайёрлашнинг ва тадбирларни ўтказишнинг ҳозирги замондаги шарт-шароитлари янги авлод мутахассислари – туристик-спорт опереттинги менежерларининг пайдо бўлишини белгилаб беради. Туристик-спорт ҳаракати оператори фаолиятининг бош йўналиши – бу мухлисларга, иштирокчиларнинг ўзларига, тадбирларга хизмат кўрсатадиган мутахассислар учун хизматларни тайёрлаш ва уларни амалга оширишдир.

“Туристик-спорт маҳсулот” деб номланадиган хизматларнинг потенциал манбалари бўлиб хизмат кўрсатиш инфратузилмаси хизматларининг мажмуаси ҳисобланади:

- спортнинг бир тури сифатида спорт туризми;

- турли хилдаги спорт-туризм саёҳатлари ва тадбирлари билан боғлиқ бўладиган хаваскорлик, соғломлаштириш туризми;

- спортчилар, спорт жамоалари ва улар мухлисларининг кўчиб юришлари билан боғлиқ бўладиган

билишга доир-таълимий туризм.

Туристик-спорт маҳсулотини шакллантириш хизмат кўрсатиш дастурларини ишлаб чиқиш ва хизматлар мажмуасини амалга оширишдан иборат бўладиган маълум бир ташкилий ишларни кўзда тутати.

Яқин ўтимда туризм, саёҳат индивидуал хусусиятларга эга эди, шунинг учун бундай тадбирлари режалаштириш саёҳатчининг ўзи томонидан ёки унинг топшириғи бўйича саёҳатлар бюроси томонидан амалга оширилар эди.

Оммавий туризм туристик хизматларни стандартлаштириш, уларни тизимлаштириш, олдиндан тайёрланган, режалаштирилган “хизматлар пакети”ни яратиш қабиларни шартлайди. Буларга транспорт хизматлари, меҳмонхоналар, ресторанлар, саёҳат дастурлари, маълум бир спорт мусобақаларини ва тадбирларини томоша қилиш, дам олиш-кўнгилочар корхоналар (шоу, кино, видеобизнес), спорт ва курорт ташкилотлари, яъни, зарурий хизматларни кўрсата оладиган барча ташкилот, муассаса ва корхоналар қиради.

Опереттинг – бу маълум бир якуний маҳсулот (конкрет тур)ни яратиш жараёнларини бошқаришдир. Туроператорлар ва туропереттинг тизимининг асосий вазифаси бўлиб нафақат туризм маҳсулотини шакллантириш, балки унинг амалга оширилиши, яъни, турли хил жараёнларнинг ягона тизимга келтирилишини кўзда тутати. Опереттинг қуйидагиларни назарда тутати: туристик

индустриянинг турли хил таклифларидан бир нечта ихтисослаштирилган таклифлар танлаб олинади, уларни комбинациялаштириш ва шахсий дастурни шакллантириш амалга оширилиб, бу кейин воситачилар орқали ёки тўғридан-тўғри мижозларга етказилади.

Туристтик-спорт оперейтингининг айрим ўзига хосликлар билан ажралиб туради. Бу туристик тадбиркорликнинг бир тури бўлиб, у спорт ҳаракати иштирокчилари (спортчилар, ҳаваскорлар, мухлислар)нинг талаб-эҳтиёжлари билан мос ҳолда зарур бўладиган ихтисослаштирилган туристик-спорт дастурлари ва хизматлар мажмуаларининг комплектацияланиши билан боғлиқ бўлади.

Туристтик-спорт оперейтингининг ўзига хосликлари спорт туризми мазмунидан келиб чиқади.

Спорт туризми фаолиятнинг ҳаваскорлик тури бўлиб ҳисобланади, у билан иш ёки ўқишдан бўш вақтларда шуғулланадилар. Лекин ўз тадқиқотимизда биз (олдин кўрсатиб ўтганимиздек) фаолиятнинг бу турини анча кенг маънода олиб қараймиз. Бунга туризм ҳам спортнинг бир тури сифатида, ҳам ҳаваскорлик спорт-туризм фаолияти сифатида, мухлислар ва спортчиларнинг бир-жойдан бошқа жойга кўчиб ўтишлари сифатида киритилади. Лекин у ёки бу ҳолда ҳам спорт туризмнинг бош вазифаси кишиларнинг маънавий, психик ва жисмоний соғлиқларини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолаверади.

Туристтик-спорт оперейтингини менежментнинг маълум бир тизими билан ҳам боғлангандир.

Туризм соҳасидаги олий касбий таълим сифати янғ малакавий стандартлар асосида ишлаб чиқилган таълимнинг кўп бўғинли тизимини ривожлантириш шароитларидаги замонавий талабларга мос келиши лозимдир. Европа олий таълимнинг ютуқларига асосланган ҳолда туризм (шу жумладан, спорт туризми бўйича ҳам) замонавий таълим стандартларини ва дастурларини тайёрлаш қуйидагиларни кўзда тутати:

- олий касбий таълимнинг илғор ғоялари ва технологияларини аке эттириш;
- халқаро даражада қабул қилинган туризмнинг тушунчали-атамасунослик аппаратида фойдаланиш;
- туризм бўйича олий касбий таълимдаги асосий тенденцияларни (кўп вариантлик, стандартлаштириш, диверсификация, гунманизация, экологизация), таълим дастурларини тузиб чиқишга замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш;
- туризм турлари рўйхатини ҳисобга олиш;
- туризмнинг касбий майдонини малакавий тавсифлаш учун схемани лойиҳавий амалга оширилишини ҳисобга олиш.

Санаб ўтилган тенденцияларни ҳисобга олиш туризм соҳасида банд бўладиган профессионал, юқори малакали мутахассислар тайёрланишини таъминлашга имкон беради. Ўзбекистон туризмидаги аҳвол шундайки, бунда ҳам ташқи, ҳам ички туризмда оперейтинг соҳасидаги ўз кадрларини тайёрлаш зарурдир. Мутахассисларнинг тайёрланган отряди миллий туризм бизнесининг имкониятларини ва истиқболларини кенгайтиради. Таъкидлаб ўтиш лозимки, туристик-спорт оперейтингини ҳали лозим даражада ривожлана олгани йўқ ва мустақил тизим ҳолига ўтмагандир, бунга боғлиқ ҳолда туристик-спорт оперейтингининг тузилмасини ва ўзига хосликларини белгилаш зарурати пайдо бўлди.

Туристтик-спорт оперейтингини туризм индустриясида махсус ролни ўйнайди: бунда у туристик-спорт йўналишидаги хизматлар пакетини шакллантиради ва амалга оширади ҳамда бу ўз ичига (анъанавий равишда белгиланадиган функциялардан ташқари) қуйидагиларни олади:

- спорт мусобақаларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- спорт кўпкураши бўйича мусобақаларни ўтказиш;

- спорт саёҳатларини ташкил этиш;
- спортчиларнинг спорт мусобақаларини ва тадбирларини ўтказиш жойларига етиб боришларига кўмаклашиш;
- спортчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш;
- мухлислар учун кўнғил очар ўйинларни ташкил этиш;
- мусобақаларни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ жамоалар турларини амалга ошириш;
- спортчилар ва мухлислар учун рекреация тизимини яратиш;
- саёҳатлар ташкил этиш;
- мусобақаларни ўтказиш жойи ва спорт хусусиятларидаги тадбирлардан репортажларни амалга ошириш;
- кўргазмаларни ташкил қилиш ва сувенирлар, спорт символикаси ва атрибутикасини тарқатиш;
- туристик-спорт ресурслари экспортини амалга ошириш;
- эксклюзив спорт-саргузашт турларини ташкил этиш.

Туристтик-спорт оперейтингининг асосий вазифаси бўлиб мос ҳолдаги хизмат кўрсатиш дастури билан мустаҳкамланган турни яратиш саналади. Бу маҳсулот бозорга чиқариладиган асосий туристик-спорт маҳсулоти бўлиб ҳисобланади. Туристтик-спорт оперейтингини хизматларининг ўзига хослиги асосий ва қўшимча туристик-спорт хизматларини танлаб олиш ва комбинациялаштиришдан, уларни олдиндан режалаштириш ва стандартлаштиришдан, яъни, ўз ичига туристик-спорт саёҳатларининг зарурий элементларини оладиган хизматларнинг дастурий пакетини шакллантиришдан иборат бўлади.

Туристтик-спорт маркетингининг ўзига хослиги биринчи навбатда туристик-спорт маҳсулотининг ўзига хосликлари билан, шунингдек, хизматларнинг мазкур турини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзига хос қирралари билан белгиланади. Шундай қилиб, туристик-спорт оперейтингига маркетинг талаблари қуйидагилардан иборат бўлади:

- бозор эҳтиёжлари ва талабларига мос келадиган хизматларни таклиф қилиш;
- мижозларни таклиф этилаётган хизматлар ҳақида улар турни сотиб олгунларигача объектив ва атрофлича хабардор қилиш;
- ўз таклифи сифатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ва ўз вақтида тузатишлар киритиш;
- маҳсулотнинг юқори сифатлилиги ёрдамида мижозларнинг зарурий қондирилганлик даражасига эришиш.

Соғломлаштириш ва билишга доир-таълим фаолияти масалаларида спорт туризми функцияларининг кенгайтиши туристик фаолиятнинг тор ихтисослаштирилган йўналиши сифатида тушунилиши ўзгаришини шартлади. Бизнинг таълимимизда спорт туризми худди туристик-спорт ҳаракатининг синоними сифатида бугунги кунларда функцияларнинг янада кўпроқ тўплами билан намоён бўлади. Айнан аҳолининг бўш вақтини ташкилий соҳаси учун юқори ижтимоий аҳамиятлилиқ, шунингдек, туризмнинг бу соҳасидаги сезиларли молиявий айланмалар бу фаолиятни ўз меъёрий-ҳуқуқий асосига, хизмат кўрсатиш инфратузилмасига, дастурий-методик асосга ва мутахассис-кадрларга эга бўлган институционал жиҳатдан расмийлаштириш заруратини шартлади.

Туристларни хорижга жўнатаётганда ташаббускор туроператор туристлар борадиган мамлакатларда фаолият кўрсатувчи рецептив туроператорларнинг хизматлари мажмуасидан, транспорт, виза, суғурта ва бошқа бир нечта хизматлардан ўз туристик-спорт маҳсулотини шакллантиради.

Турли хилдаги асосий ва қўшимча хизматлар билан тигизлаштирилган жозибадор туристик маҳсулотни яратиш

туристик-спорт оперейтингининг энг биринчи ва муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Бу вазифани бажариш туристик-спорт оперейтингининг самарали менежментига боғлиқ бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни олади:

- спорт туризмнинг моддий-техник воситалари менежменти;
- туристик-спорт марказлари менежменти;
- спорт оламидаги ахборот ва жамоатчилик ташкилотлари билан алоқалар менежменти;
- конгресси ва кўргазмалари менежменти;
- хизматлар сифати менежменти;
- спорт туризми турлари менежменти;
- спорт туризмидаги хавфсизлик хизмати менежменти;
- спорт туризмнинг экологик менежменти;
- спорт аниматорлик фаолияти менежменти.

Спорт-туристик оперейтингининг асосий муҳим вазифаси бўлиб нафақат туристик маҳсулотни шакллантириш, балки уни истеъмолчига етказишни ҳам таъминлайдиган бошқарув саналади.

Туристтик пакетнинг муваффақиятига таъсир қиладиган асосий лаҳзалардан бири бўлиб шубҳасиз равишда у ёки бу тур бозорда таклиф қилинадиган нарх ҳисобланади. Сир эмаски, Ўзбекистон бозорида масалан, ички хизмат кўрсатишга нархларнинг сунъий равишда оширилиши тенденцияси мавжуддир.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатишнинг конкрет дастури туристларни қабул қилиш имкониятлари, уларнинг ўзига хосликлари, буюртма қилинган хизмат кўрсатиш даражасидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади, шунинг учун хизматлар таъминотчилари билан ишлаш – бу туристик-спорт оперейтинг самарали менежментининг муҳим лаҳзасидир.

Туристтик-спорт оперейтинг менежментининг муҳим томонлари бўлиб шунингдек, сотиш тармоғини шакллантириш, туристик-спорт маҳсулотини олға суриш, туристларни қабул қилиб олишда хизмат кўрсатиш менежменти, хизмат кўрсатиш шарт-шароитларига ва сифатига риоя қилиш устидан назорат қилилар ҳисобланади.

Табиийки, мана шундай кўп қатламли тузилмаларни юзага чиқариш туристик-спорт оперейтингининг юқори малакали мутахассисларисиз мумкин эмасдир. Туристтик-спорт оперейтинг менежери – бу туристик-спорт турларини ёки хизмат кўрсатиш мажмуаларини яратиш, шунингдек, уларни амалга ошириш ва бошқаришни ташкил этиш бўйича жараёнларни бошқарувчи мутахассисдир.

Мана шундай йўналишдаги мутахассисни тайёрлаш ҳозирда туристик таълим муассасаларини амалиётга фақат эндигина жорий этилмоқда. Лекин шунга қарамадан, туристик-спорт оперейтинг менежментининг ўзига хосликлари мазкур йўналишда кадрларнинг академик тайёргарлиги зарурати ҳақида гувоҳлик беради.

“Туристтик-спорт оперейтинг менежери” йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлаш туризмнинг бутун хилма-хиллигини жамоатчилик ва давлат томонидан қўллаб-

қувватлашни таъминлаш мақсадларида ишнинг янгича технологияларини ижтимоий амалиётга жорий қилиш учун барқарор шарт-шароитларни яратади.

Туризм ва олий касбий таълимнинг ҳозирги ривожланиш босқичлари иш жойларини яратиш, туризмни тадқиқ қилишнинг халқаро стандартлаштирилишини тарқатиш, янги минтақаларо туристик ассоциацияларни ташкил этиш, туроператорликни, трансмиллий меҳмонхоналар ва ресторанлар тармоқларини йириклаштириш, туризмнинг индивидуаллашуви ва унинг зарурий ижтимоийлашуви фойдасига талабнинг барча жойларда ўзгариши шароитларида туристик корхоналар консорциумларини пайдо бўлиши соҳаси сифатида туризм потенциалининг ўсишида халқаро ва мамлакат ичидаги частоталар, миқдор ва географиянинг кенгайиши билан тавсифланади.

Олий касбий таълимнинг миссияси бўлиб туризмнинг профессионаллатирилиши, яъни, туризм индустриясида ўрта ва юқори бўғинларни профессионал кадрлар билан таъминлаш ва улардан рационал фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратиш, дипломга эга бўлган мутахассисларни истикболли карьеравий ўсиш – вертикал бўйича янада юқорироқ бошқарув поғонасида ёки горизонтал бўйича туризмнинг худди шундай секторларида олға силжитиш билан туризм секторларида ишга жойлаштириш ҳисобланади.

Олий касбий таълим стратегияси миллий таълим тизимларининг ўзига хослиги, индустрия билан ўзаро ҳаракатлари даражасига, ҳар бир конкрет олий таълим муассасасида туризм бўйича таълим дастурларининг тарихан юзага келишидаги хусусиятларга боғлиқ бўлади.

Бугунги кунларда кўплаб мамлакатларда мавжуд бўлган таълим тизимлари шу жумладан, туризм соҳасида ҳам чуқур инқироз ҳолатидадир. Шу билан бирга, бундай инқироз ҳолатидан чиқиб кетиш йўллари, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам изланмоқда. Олий таълим муассасаларида ўқитиш дидактикасининг асосий масаласи бўлиб “нимани ўқитиш” масаласи ҳисобланмоқда. Бу масала тўла равишда ҳақлидр, чунки бўлажак мутахассисни ўқитиш мазмунига кўп жиҳатдан кўплаб авлодларнинг маданий даражаси, халқ маънавиятининг, ахлоқийликнинг, фуқаровийликнинг, ватанпарварликнинг ривожланиши боғлиқ бўлади. Ҳозирги замон дидактикасида таълим мазмуни деганда ўқитиш жараёнида таълим олувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, маҳорат ва кўникмалар тизимини олиш қабул қилингандир.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Туризм соҳасидаги олий касбий таълим сифати янги малакавий стандартлар асосида ишлаб чиқилган таълимнинг кўп бўғинли тизимини ривожлантириш шароитларидаги замонавий талабларга мос келиши лозимдир. Европа олий таълимнинг ютуқларига асосланган ҳолда туризм (шу жумладан, спорт туризми бўйича ҳам) замонавий таълим стандартларини ва дастурларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Тажибаев С.С. Дауренов Э.Й. “Спорт-соғломлаштириш туризми” Ўқув қўлланма.–Ч: ЎзДЖТСУ, 2020.
2. Ярашев.К.Д., Оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва халқ миллий ўйинлари бўйича мутахассислар тайёрлаш масалалари, моног. -Т.: ЎзДЖТИ нашр., 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 147-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 277-модда, 2015 йил 5 сентябр, 2017 йил 27 май, 4-модда, 8 модда).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони.
5. Алиев И.Б., Раҳимов В.Ш. Соғлом бола – соғлом келажак // Миллий яққақураш турларининг замонавий муаммолари. Республика таълим муассасалари олий-амалий конференция материаллари тўплами. –Бухоро: 2014. 164-165-б.

РЕЗЮМЕ

Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида, асосан, умумий ўрта таълим мактаблари, профессионал таълим тизими муассасаларида ва туризм марказларида ўқувчилар ва аҳолини жисмоний тарбия машғулоти жараёнида саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган таълим муҳитини яратган ҳолда, саломатлик ва соғлом турмуш тарзи қадриятини

шакллантирувчи шароитларни спорт ва соғломлаштириш туризмини ташкил этишга қаратилган муаммолар ўрганиб келинмоқда.

РЕЗЮМЕ

Изучаются проблемы создания спортивных и фитнес-туризмов в ведущих образовательных учреждениях мира, в основном в общеобразовательных школах, профессиональных учебных заведениях и туристических центрах, создавая образовательную среду, направленную на сохранение и укрепление здоровья учащихся и населения в процессе физического воспитания.

SUMMARY

The problem of creating sports and fitness routines in leading educational institutions of the world, mainly in secondary schools, vocational schools and tourist centers, creating an educational environment aimed at preserving and strengthening the health of students and the population in the process of physical education.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

А.У.Тажиева – педагогика фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини
Н.А.Бекмуратова – ассистент ўқитувчи
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: касбга йўналтириб ўқитиш, давлат таълим стандарти, фан дастури, коммуникатив компетенция, тил компетенцияси, мустақил мулоқат даражаси

Ключевые слова: профессионально-ориентированное обучение, государственный образовательный стандарт, типовая программа, коммуникативная компетенция, языковая компетенция, самостоятельное владение

Key words: content-based teaching, state educational standard, syllabus, communicative competence, language competence, independent user

Бугунги кунда Ўзбекистонда мутахассисларни таёрлашда уларнинг билим, малака ва кўникмаларининг замон талабларига мос келишига катта эътибор қаратилмоқта. Замон талабларининг бири бўлажак мутахассисларимизнинг халқаро бирга ишлашиш жараёнига қира олиши, мутахассислиги бўйича халқаро ташкилотларда эркин мулоқатлар қила олиши бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун, албатта чет тилини билиш зарурлиги келиб чиқади. Чет тили дарсларида мутахассисликка (касбга) йўналтириб ўқитиш тамойили бугунги куннинг энг долзарб йўналишларидан бири, чунки чет тилида мулоқат қилиш ҳар бир мутахассиснинг касбий фаолиятининг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Касбга йўналтириб ўқитишнинг афзалликларини Патси М.Лайтбаун шундай таърифлайди:

Биринчидан, касбга йўналтириб ўқитиш самарали, чунки талабалар тарихни, математика ёки бошқа мутахассислик матнларни ўрганаётган чет тилида бир вақтнинг узида урганади, яъни «иккаласи бирида» тамойили талабаларнинг вақтини тежашга ёрдам беради.

Иккинчидан, касбга йўналтириб ўқитиш талабаларнинг уқишга деган мотивациясини уйғотишади, чунки янги тилни ўрганаётганда мутахассисликка оид таниш ва маъноли матнларни уқиш, маъноли мулоқатка тушиш, чет тилини ўрганаётганда учрайдиган кийинчиликларни енгиллашга ёрдам беради.

Учунчидан, касбга йўналтириб ўқитиш талабаларни юқори моҳирликка етказиши, чунки мутахассислик мавзуларни ўрганиш жараёнида уларнинг академик сузлар ва иборалар қўллаши ортади, академик стил, дискурсларни таниб уларни қўллашни бошлайди. Бу жараён натижасида талабалар бўлғуси касбда учрайдиган тил воситаларини дарсдан ташқари вақтда ҳам қўлланишга тажриба орттиради, устаси-фаранг булади [4:10].

Олий таълим муассасаларида чет тили фани дарсларининг самарадорлигини ўрганиш жараёнида биз ушбу фан учун яратилган дастурларни таҳлил қилишдан бошладик. Биз ўрганиб чиққан биринчи дастур бу 2013 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган “Ўзлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти” эди [1]. Ушбу давлат таълим стандарти ўқувчилар ва талабаларнинг чет тиллар бўйича тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган даражани белгилаб беради. Юқорида қайд қилинган стандарт бўйича олий таълим муассасаларининг

ихтисослиги чет тили бўлмаган бакалаврият босқичи битирувчиларининг инглиз тилини билиш даражаси Умевропа тил билиш даражаси (Common European Framework of References) бўйича CEFR B2 Чет тилини эгаллашнинг мустақил мулоқот даражаси деб белгиланган [3:23]. Давлат таълим стандарти чет тилини ўрганишда коммуникатив фаолият ва шахсга йўналтирилган, интегртив ва компетенцияли ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган. Коммуникатив фаолиятга йўналтирилган ёндашув таълимнинг ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив хусусиятларига эга бўлиб, ўқиш жараёнида билиш фаоллигини оширишга қўмаклашади. Ушбу ёндашув таълим олувчиларда мустақил фикрлаш ва фаолият юритиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Чет тили таълимида интегртив ёндашув таълим олувчининг турли фаолият доираларидан (шахсий, интеллектуал ва касбий) олинган материаллардан таълим жараёнида тенг (пропорционал) фойдаланишга қаратилган. Тил ва нутқ материалларининг тенг нисбатда бўлиши, нутқ фаолиятининг 4 та тури бўйича нутқий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар даражасини уйғун ва ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантиришни кўзда тутди.

Давлат Таълим стандартида чет тилларни олий таълимда ўқитиш коммуникатив, шахсга йўналтирилганлик, интегртив ва компетенцияли ёндашувларидан фойдаланишда “Касбга йўналтирилган чет тиллар” йўналишининг асосий тамойилларига (ўқитишнинг муайян босқичларидаги касбий йўналтирилган талабларини ҳисобга олган ҳолда) асосланади деб кўрсатилган [1:3].

Шунингдек, Давлат таълим стандартида чет тилини касбга йўналтириб ўқитишга катта эътибор қаратилган. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда бўлажак мутахассисларнинг чет тилини мукамал даражада билиш кераклигини таъкидлаб қўлади.

Ўзбекистон Республикасининг барча таълим турларида чет тилини ўқитишдан мақсад таълим олувчиларнинг кўп маданиятли дунёда маиший, илмий ва касбий соҳаларда фаолият юритиши учун чет тилида коммуникатив компетенцияни (унинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи лингвистик, ижтимоий лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий маданий, ижтимоий ва ўқув-англаш компетенциялари асосида) шакллантиришдан иборатлиги кўрсатилган [1:4].

Давлат таълим стандартининг яна бир эътиборга сазовар тамони унда чет тили бўйича B2 даража учун таълим мазмуни аниқлаштирилган. Унга кўра фаолиятнинг нутқий мазмунида Махсус мақсадлар учун тил,